

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОКУЛОВ АЗАМАТ УКТАМОВИЧ

ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРДАН ҚОН КЕТИШ РЕЦИДИВЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Бобокулов Азамат Уктамович

Гастродуоденал яралардан кон кетиш рецидивларини прогнозлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш..... 3

Бобокулов Азамат Уктамович

Усовершенствование прогноза и методов лечения рецидивов кровотечений из гастродуоденальных язв..... 23

Bobokulov Azamat Uktamovich

Improvement of prognosis and treatment methods of recurrent bleeding from gastroduodenal ulcers..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОКУЛОВ АЗАМАТ УКТАМОВИЧ

ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРДАН ҚОН КЕТИШ РЕЦИДИВЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2025

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Tib5227 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Даминов Феруз Асадуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хўжабаев Сафарбой Тухтабаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Рахманов Қосим Эрданович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Хожа Аҳмад Ясавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети хузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «27» 12 соат 1430 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. 2774 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «12» 12 да тарқатилди.
(2025 йил «12» 12 даги 43 рақамли реестр баённомаси)



Handwritten signatures in blue ink, including the name 'Асадуллаев' and other illegible signatures.

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича, фалсафа
доктори (PhD)

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, гастродуоденал қон кетишнинг учраши бутун дунё бўйича доимий кузатилиб, ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 40 дан 130 нафариди учрайди ва у стабил тенденцияга эга. «...Ўткир гастродуоденал қон кетишларнинг асосий (35-58%) сабаби меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги ҳисобланади. Бундай беморларнинг асосий қисми 22-45 ёшларда бўлиб, уларда кузатиладиган турли ҳолатлар ва патологиялар (стресс, кўп чарчаш, турли хилдаги газланган ва калорияга бой ичимликларни истеъмол қилиниши, медикаментоз ва б.) меъда ва ўн икки бармоқ ичакда яра касаллигининг ривожланишига ва қон кетиш асоратининг кузатилишига олиб келиши мумкин...»¹.

Меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраларини, уларнинг ҳолати, локализациясини, асоратларининг мавжудлиги кабиларни аниқлашда энг юқори ахборот берувчи текшириш усули - бу эзофагогастродуоденоскопия (ЭГДС) бўлиб, бугунги кунда унинг даволашдаги аҳамияти ҳам юқорилиги сақланиб келмоқда. «...Яралардан қон кетиш асорати кузатилганда, турли эндоскопик гемостаз усулларини қўллаш орқали 84-96% ҳолатларда ижобий натижаларга эришиш мумкин...»². Бу ўз навбатида беморларда бажарилиши мумкин бўлган турли мураккаб операцияларни олдини олишда ва беморларнинг ўлим кўрсаткичини камайтиришда катта ўрин тутди.

Ҳозирги даврда турли замонавий эндоскопик гемостаз усулларининг ривожланишига қарамасдан, гастродуоденал яралардан қон кетиш тўхтатилгандан кейин уларнинг яна қайталанишлари 30-40% ҳолатларда учраб турибди. Буни айниқса, қон реологияси ва ивиш функциясига таъсир қилувчи баъзи ҳамроҳ касалликлари сабабли турли дори воситаларни қабул қиладиган беморларнинг ўзига хос клиник ўзгаришларида кўриш мумкин. Шу билан бирга, антикоагулянт ва антитромбоцитар терапияни аниқ дозалар ва кўрсатмаларига амал қилмасдан, доимий қабул қилиш ўрнига палапартиш истеъмол қилиш каби ҳолатлар ҳам кўп учраб, уларнинг асосий асорати қон кетишга моил беморларда геморрагик асоратларнинг ривожланиши кўп учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида келтирилган «...соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини

¹Xie X, Ren K, Zhou Z, Dang C, Zhang H. The global, regional and national burden of peptic ulcer disease from 1990 to 2019: a population-based study. BMC Gastroenterol. 2022 Feb 10;22(1):58. doi: 10.1186/s12876-022-02130-2..

²Tarasconi A, Coccolini F, Biffi WL, Tomasoni M, Ansaloni L, Picetti E, Molfino S, Shelat V, Cimbanassi S, Sartelli M, Kluger Y, Catena F. Perforated and bleeding peptic ulcer: WSES guidelines. World J Emerg Surg. 2020 Jan 7;15:3. doi: 10.1186/s13017-019-0283-9. PMID: 31921329; PMCID: PMC6947898.

сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини оширишга” қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида турли гастродуоденал қон кетишларни комплекс даволашни такомиллаштириш ва уларни қайталанишини олдини олишга қаратилган турли янгилик ва усулларни ишлаб чиқиш..»³ кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 04 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жаҳон адабиётида меъда ва ўн икки бармоқ ичак яралари, асоратлари ва уларни даволаш тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган. Ушбу йўналишда олиб борилган баъзи иммунологик текширишлар натижасида CD16 нинг $3,6 \pm 1,1\%$ дан $2,6 \pm 1,1\%$ гача пасайганлиги ($p < 0,05$) ва CD4, CD8, CD19 ларнинг $37,4 \pm 1,1\%$, $4,4 \pm 1,1\%$ ($p < 0,05$) ва $30,8 \pm 1,2\%$ гача ($p < 0,05$) кўтарилганлиги аниқланиб, бу ўз навбатида гастродуоденал яралардан қон кетишда беморларнинг иммунитетини тушишини яққол кўрсатиб беради (Vitali F. et al., 2019).

Япониянинг Китасато университети гастроэнтерологлари контрастли компьютер томография маълумотлари асосида гастродуоденал яралардан қон кетишнинг қайталаниш ҳолатлари бевосита қонаётган қон томир диаметрига боғлиқлигини аниқладилар. Уларнинг фикрларига кўра, турли эндоскопик усулларда вақтинча қон тўхтатишга эришилганга қарамасдан агар томир диаметри $\geq 1,9$ мм дан катта бўлса, интервенцион радиология (IVR) ва хирургик даво бажарилиши лозим (Romstad K.K. et al., 2022).

Туркиянинг Ondokuz Mayıs университети олимларининг фикрларига кўра, ASA шкаласи бўйича уч ва ундан ортиқ баллга эга, ҳамроҳ касалликлари бўлган беморларда гастродуоденал қон кетишлар бошқаларга нисбатан кўпроқ кузатилади. Юқоридагиларни инобатга олиб,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони.

бу йўналишда тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган (Aktash G. et al., 2023).

Ҳозирги кунда бутун дунё олимлари гастродуоденал қон кетиш билан асоратланган беморларни ташхислаш ва даволашда турли эндоскопик усуллардан фойдаланишмоқда. Эндоскопик гемостаз усуллари тобора ривожланаётган бир вақтда, кўпгина мутахассислар комбинирланган усулларни қўллашни маъқул кўришмоқда. Албатта, баъзи усулларнинг таъсири бир беморга ижобий бўлса, бошқаларига қўллаш учун қарши кўрсатмалар бўлиши мумкинлиги сабабли ҳозиргача ягона бир тўхтамга келинмаган. Шунингдек, гастродуоденал яралардан қон кетишнинг қайталаниш ҳолатлари, уларни олдини олиш ва прогнозлаш масалалари бўйича турли саволлар очиқлигида қолмоқда. Шунинг учун мазкур тадқиқотимиз орқали ушбу муаммоларга ечим топишни мақсад қилиб олганмиз.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади гастродуоденал яралардан қон кетишда гемостаз жараёнини назорат қилиш орқали беморларда комплекс даво натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гастродуоденал яралар билан беморларда қон кетиш асоратининг учраш даражаси, частотаси ва олиб келувчи асосий омилларни ўрганиш.

ўткир гастродуоденал қон кетиш билан беморларда тромбодинамик тест орқали даво усулларидаги ўзгаришлар самарадорлигини ошириш.

барқарор бўлмаган гастродуоденал қон кетиш билан беморларда комплекс даволашнинг динамик ўзгаришларини прогностик асослаш.

тавсия қилинган комплекс хирургик тактиканинг самарадорлигини тромбодинамик тест ва одатдаги текшириш усуллари натижаларини таққослаш орқали баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2024 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали хирургия бўлимларида даволанган жами 124 нафар шундан, асосий гуруҳда 51 нафар беморлар, назорат гуруҳ 73 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети периферик қон, қон зардоби ва лаборатор таҳлиллар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумклиник, биокимёвий таҳлиллар, ЭГДФС, рентген, УТТ, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гастродуоденал яралар билан беморларда қон кетиш асоратнинг учраш даражаси, частотаси гемостаз тизимининг динамикаси орқали асосланган;

ўткир яралардан қон кетишда эндоскопик усулда гемостаз қилинган беморларда қон кетишнинг рецидивини прогнозлаш мақсадида тромбодинамик тест усули самарадорлиги исботланган;

гастродуоденал яралардан қон кетишнинг қайталанишида тромбодинамик тест усули ёрдамида беморлардаги қон кетиш асоратининг камайиши, гемостатик даволаш муддати ва беморларнинг стационар шароитда ўтказадиган ўрин кунларининг камайиши илмий жиҳатдан асосланган;

тавсия қилинган комплекс даво тактикаси орқали беморларга хирургик, эндоскопик ва консерватив даволаш-диагностик алгоритми ишлаб чиқилган ва клиник асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг қон кетиш асорати билан беморларда қон кетишнинг қайталаниш ҳолатларининг сабаблари ўрганилиб чиқилган;

гастродуоденал яралардан қон кетиш билан беморларда қон кетишни қайталанишини прогнозлашда тромбодинамик тестнинг бошқа коагулограмма таҳлилларидан афзалликлари баҳоланган ва исбот қилинган;

гастродуоденал яралардан қон кетиш билан беморларда қон кетишни қайталанишини даволаш ва профилактикаси алгоритми ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирадиган клиник, лаборатор, инструментал усуллар асосида гастродуоденал яралардан қон кетиш билан беморларга статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг қон кетиш асорати билан беморларда қон кетишнинг қайталанишини ривожланиши бўйича ҳавф гуруҳини ажратиб олишга ва динамикада тромбодинамик тест таҳлилини қўллаш орқали кузатилиши

мумкин бўлган қон кетиш асоратининг қайталанишини прогнозлашда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг қон кетиш асорати билан беморларда, шунингдек, ҳамроҳ касалликлари сабабли антикоагулянт ва гемостатик каби дори воситаларни доимий қабул қилувчиларда қон тизимида ва коагулограммасидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, бундай беморларда динамикада қон кетишнинг қайталанишини тромбодинамик тест таҳлиллари орқали прогнозлаш натижасида қон кетишнинг қайталаниш ҳолатлари икки ярим баробарга (38.4% дан 17.6% гача) пасайтиришга ва бундай тоифадаги беморларнинг эрта реабилитациясига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гастродуоденал яралардан қон кетиш рецидивларини прогнозлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 17.07.2025 й. 22/33-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: гастродуоденал яралар билан беморларда қон кетиш асоратнинг учраш даражаси, частотаси гемостаз тизимининг динамикаси орқали асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиали (29.04.2025 й. 72-U-сон буйруғи) ва Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Сирдаре вилоят филиали (11.03.2025 й. 43-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг қон кетиш асорати билан беморларда қон кетишнинг қайталаниш ҳолатларининг сабаблари ўрганилиб чиқилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг қон кетиш асорати даражасини аниқлаш амалиётини ўтказиш жарроҳлик даволашни қўллаш доирасида беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 10-15 кун учун 3476500 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 1056800 сўм сарфланади. Иқтисодий кўрсаткич 5456200 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Хулоса: гастродуоденал яралар билан беморларда қон кетиш асоратининг учраши ҳолатлари асосан эркак жинсли (61,2%), ўрта ёшлардаги (55,6%), 5-10 йиллик яралари анамнезига эга (33,1%) беморларда кузатилиб, текшириляётган гуруҳларда статистик аниқ фарқлар аниқланмади.

иккинчи илмий янгилик: ўткир яралардан қон кетишда эндоскопик усулда гемостаз қилинган беморларда қон кетишнинг рецидивини прогнозлаш мақсадида тромбодинамик тест усули самарадорлиги исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиали

(29.04.2025 й. 72-U-сон буйруғи) ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдаре вилоят филиали (11.03.2025 й. 43-сон буйрук) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: гастродуоденал яралардан қон кетиш билан беморларда қон кетишни қайталанишини прогнозлашда тромбодинамик тестнинг бошқа коагулограмма таҳлилларидан афзалликлари баҳоланган ва исбот қилинган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ўткир яралардан қон кетишда эндоскопик усулда гемостаз қилинган беморларда миниинвазив технологиялардан фойдаланиш беморларнинг стационарда қолиш муддатининг қисқариши, дори-дармон сарфи камайиши ҳисобига 1 бемор ҳисобида 1546500 сум тежалишига олиб келди. Бу маблағнинг тежалиши стационарда даволаниш муддатини камайтирди, шу асосда тиббий хизматга сарфланадиган маблағни тежалиши билан асосланган. Хулоса: тромбодинамик тест таҳлиллари асосида гастродуоденал яралардан қон кетиши сабабли кўп қон йўқотган беморларда бажарилган нотўлиқ консерватив ва эндоскопик гемостатик даво муолажалари натижасида кечки гипокоагуляция ҳолати ўз вақтида аниқланиши натижасида, кузатилиши мумкин бўлган қон кетишларнинг қайталанишини 31.4% дан 17.6% га пасайишига эришилди.

учинчи илмий янгилик: гастродуоденал яралардан қон кетишнинг қайталанишида тромбодинамик тест усули ёрдамида беморлардаги қон кетиш асоратининг камайиши, гемостатик даволаш муддати ва беморларнинг стационар шароитда ўтказадиган ўрин кунларининг камайиши илмий жиҳатдан асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиали (29.04.2025 й. 72-U-сон буйруғи) ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдаре вилоят филиали (11.03.2025 й. 43-сон буйрук) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: гастродуоденал яралардан қон кетиш билан беморларда қон кетишни қайталанишини даволаш ва профилактикаси алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: тромбодинамик тест усули орқали динамик текшириш имкониятларидан одатда умумий ўртача 314000 сўм сарфланади. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган минимал инвазив жарроҳликни ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 5311800 сўмни ташкил этади. Хулоса: Форрест классификациясига кўра, F-IA рецидивлари 3 (8,1%) беморда кузатилиб, улардан 1 таси асосий гуруҳ ва қолган 2 нафари таққослаш гуруҳ беморларида кузатилган. Энг кўп қайталаниш кўрсаткичи F-IVда акс этиб, (n=14 (37,9%)), улардан асосий гуруҳдаги 3 нафар ва таққослаш гуруҳидан 11 нафар беморларда бўлган. F-IIA - да жами 12 (32,4%) нафар, F-IIВ кўрсаткичи жами 7 (18,9%) нафар беморларда кузатилган. Кўриниб турибдики, тавсия қилинган комплекс

даволаш натижалари орасида сезиларли статистик ($p < 0,05$) фарк кузатилди.

Тўртинчи илмий янгилик: тавсия қилинган комплекс даво тактикаси орқали беморларга хирургик, эндоскопик ва консерватив даволаш-диагностик алгоритми ишлаб чиқилган ва клиник асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиали (29.04.2025 й. 72-U-сон буйруғи) ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдаре вилоят филиали (11.03.2025 й. 43-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: тавсия қилинган комплекс даво тактикаси орқали беморларга хирургик, эндоскопик ва консерватив даволаш-диагностик алгоритми клиник асосланганиб тадбиқ этилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: тавсия қилинган комплекс даво тактикаси орқали беморларда стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 4893350 сўм сарфланади. Бу сумманинг ичида оператив даво ва 2 кун реанимация ва 5-7 кун интенсив терапия бўлимидаги ўрин-кунлар 1829900 (431300 + 1398600) сўмни ташкил қилади. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган комплекс даво натижасида миниинвазив жарроҳлик амалиётини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 32659800 сўмни (2 та беморга) ташкил этади. Хулоса: тавсия қилинган комплекс эндохирургик тактиканинг самарадорлиги натижалари таҳлил қилинганда, таққослаш гуруҳидаги беморларда гемостатик терапия ўтказиш давомийлиги асосий гуруҳ беморларига нисбатан узоқроқ бўлганлиги кузатилди. Беморларнинг стационар шароитда гемостатик терапия олишларининг давомийлиги асосий гуруҳдаги беморларда ўртача $3,5 \pm 0,7$ ($t=2,21$; $p < 0,05$) кун бўлган бўлса, таққослаш гуруҳидаги беморларда ўртача $4.8 \pm 0,6$ кунни ($t=2,87$; $p < 0,05$) ташкил қилди. Шунингдек, беморларнинг стационар шароитда ўтказган ўрин кунлари таҳлилида асосий гуруҳдаги беморларда ўртача $2,5 \pm 0,8$ ($p < 0,05$) кун бўлган бўлса, таққослаш гуруҳидаги беморларда ўртача $3.9 \pm 0,4$ кунни ($p < 0,05$) ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми диссертант томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсаткичлари, амалиётга жорий қилиниши, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижалар муассасанинг амалий фаолиятига жорий қилингани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Гастродуоденал яралардан қон кетишни ташхислаш ва даволаш усуллари**нинг тарихи ва замонавий ҳолати” деб номланган **биринчи бобида** адабиётлар шарҳи, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг асоратларидан қон кетишнинг хусусиятлари, уларни таснифланишлари, ташхислаш ва турли даволаш тактикалари келтирилган. Ушбу бобда гастродуоденал қон кетишнинг қайталаниш хавфи, унинг турли ёш ва қўшимча патологиялари бор беморларда ўзига хос кечиши ҳамда уларни олдини олишда қўлланилган турли усуллар бўйича замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи келтирилган. Шунингдек, кейинги ўрганишларни талаб қиладиган мунозарали ва ҳал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби “Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланиб, унинг асосини меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраларининг қон кетиши асорати билан 2020 йилдан 2024 йилгача Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалига мурожаат қилган 124 нафар беморлар ташкил қилди. Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: таққослаш гуруҳини 2020-2022 йиллар давомида мурожаат қилган 73 (58,9%) нафар бемор ташкил қилиб, уларга стандарт асосида текшириш ва даволаш усуллари ўтказилган. Асосий гуруҳни 51 (41,1%) нафар бемор ташкил қилиб, уларга стандарт усуллардан ташқари лаборатор текширишларга тромбодинамик тестдан ҳам фойдаланилди.

Беморлар шифохонага меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраларидан қон кетиш асорати кузатилишининг турли вақтларида мурожаат қилиб келишган. Қон кетиш вақтидан шифохонагача келгунча ўтган вақтни анамнестик тадқиқ қилганимизда, 33 (26,6%) нафар бемор дастлабки 6 соатда, 6 дан 12 соатгача вақт оралиғида 22 (17,7%) бемор, 12-24 соат вақтда 42 (33,9%) та бемор, 24 соатдан 48 соатгача - 18 (14,5%) нафар бемор ва 2 кундан ортиқ вақтдан сўнг 9 нафар (7,3%) бемор стационарга мурожаат қилишган ёки олиб келинган.

Қон кетиш билан мурожаат қилган беморларда қон йўқотишнинг турли даражалари аниқланди. Қон йўқотиш даражаларини таснифлашда биз Гостишев В.К. классификациясидан фойдаландик. Бу классификацияга кўра, жами беморларнинг 49 нафарида (39,5%) енгил даражадаги қон йўқотиш кузатилган бўлса, 56 нафарида (45,2%) нафарида ўрта оғир даражадаги қон йўқотиш кузатилди. Оғир даражадаги қон йўқотишлар кузатувдаги беморларнинг 19 тасида (15,3%) аниқланди. Қон йўқотиш даражаларининг иккала гуруҳ беморларида кузатилишида деярли сезиларли фарқ аниқланмади.

Гастродуоденал яралардан қон кетишда стандарт бўйича эндоскопик текшириш усули энг долзарб бўлиб, барча беморларда ЭГДС текшириш бажарилган. Беморларда қон кетишнинг даражаларини изоҳлашда биз Forrest (1987) классификациясидан фойдаландик.

Бизнинг тадқиқотимизда барча эндоскопик текширишлар ва амалиётлар “OLYMPUS” фирмасининг Evis Exera GIF-Q160 эндоскопида амалга оширилди. Тадқиқотларимиздаги жами (n=124) беморлардан 108 (87,1%) нафарида бирламчи кўрик вақтида эндоскопик гемостаз терапияни ўтказишга тўғридан-тўғри кўрсатмалар борлиги сабабли уларга турли (электрокоагуляция, инъекцион, АПК ҳамда коибинирланган) усулларда эндоскопик гемостаз амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби “Беморларда ўтказилган эндоскопик гемостаз турлари ва қон кетишни қайталанишни прогнозлашда турли коагулограмма усулларининг самарадорлигини баҳолаш” деб номланиб, бунда замонавий эндоскопик гемостаз турлари, тромбодинамик тест кўрсаткичлари ҳақида сўз боради.

Тромбодинамик тест бошқа коагуляцион тестлардан фарқли равишда, қоннинг умумий таркибига тўлиқ характеристика бериб, кузатилиши мумкин бўлган тромбоз ёки қон кетиш ҳолатларини объектив баҳолаб беради. Тромбодинамик тест айниқса, ҳомиладорлик, юрак қон-томир касалликлари, эндокрин касалликлар, ҳар хил жароҳатлар каби ҳамроҳ касалликлари бўлган ва қон ивиш тизимига таъсир қилувчи турли хил дори воситаларини қабул қилувчи беморларда кузатилиши мумкин бўлган тромбозни ёки қон кетишни прогнозлашда ҳамда бемор учун лозим бўлган антикоагулянт ёки гемостатик дори воситаларининг дозаларини аниқлашда аҳамияти каттадир.

Тромбодинамик тестни ўтказиш учун беморлар ўзига хос тайёрланишлари лозим. Агарда беморга режали равишда тест ўтказилиши кўзда тутилаёйган бўлса, унинг овқат рационидида қон ивиш тизимига таъсир қилувчи махсулотлар (алкоголь, тамаки чекиш, ёғли овқатлар, яшил баргли кўкатлар ва б.) чекланиши лозим. Тест ўтказилишидан камида уч кун олдин турли хил антикоагулянтлар (варфарин, гепарин, клексан), антиагрегантлар (аспирин, клопидогрель), НЯҚВ кабилар тўхтатилиши лозим. Агар бу тест шошилиш ҳолатда ўтказилишига тўғри келинганда, бемор даволовчи шифокор тавсия қилган юқоридаги дори воситаларининг охириги қабул вақтдагисини ичмайди. Чунки, тестнинг қанчалик аниқ чиқиши юқоридаги дори воситаларнинг таъсирига ҳам боғлиқдир.

Тромбодинамик тест учун билан венасидан 4 млдан иккита порция (жами 8 мл) қон олинади. Бунинг учун таркибида цитрат натрий бўлган махсус пробирка ишлатилиб, қон олингандан сўнг пробирка охисталик билан чайқатилади. Шишали ёки силиконли пробиркалардан фойдаланиш мумкин эмас. Тромбодинамик тест учун махсус жихозлар мавжуд бўлиб, уларга тестни ўтказиш учун активатор-пробирка, активатор вставкаси қўлланилади.

Пробиркалар центрифугада 1600g тезликда 15 минут давомидида айлантрилади. Аҳамиятлиси - олинган қон узоғи 1 соат ичида центрифугага қўйилиши керак. Инкубация қилинган плазмага кальций хлорид қўшилиб,

рекальцификацияланади. Центрифугада ажралган плазманинг юқори қаватидаги 3/4 қисми янги 2-пробиркага дозатор ёрдамида ўтказилади. 2-пробиркадан ҳам центрифугада 10 000 g тезликда 5 минут (ёки 1600 g тезликда 20 минут) давомида тромбоцитлардан ҳоли бўлган плазма (PFP) ҳосил бўлгунга қадар айлантрилади. Дозатор ёрдамида тромбоцитлардан ҳоли бўлган плазма (PFP), яъни плазманинг юқори 90% қатлами янги пробиркага ўтказилади.

Кейинги босқичда, анализатор аппарати иш ҳолатига келтирилиб, активаторлар штрих-кодларига мосланиб, кювета ва реагентлар термостатга жойлаштирилади. Пробиркага 120 мкл тромбоцитлардан ҳоли бўлган плазма (PFP) олиниб, 1-назоратли эритма (оқ) билан аралаштирилади. Сўнгра аппарат олд қисмидаги “старт” тугмаси босилиб, инкубация жараёни бошланади. Инкубация жараёнидан сўнг, оқ рангли 1-пробиркадан 120 мкл аралашма олиниб, кўк рангли 2-назорат эритмасига қўшилади ва секин аралаштирилади. Сўнгра кўк пробиркадан 110 мкл миқдордаги аралашма кюветага олинади. Стерил упаковкадан активатор-пробирка олиниб, кювета ичига қўйилади ва термостат қопқоғи ёпилиб, “старт” тугмаси босилади. Кювета ичида сувли термостат жойлаштирилган. Қўшимча вставка-активатор сунъий равишда зарарланган қон-томир деворини “шакллантириб”, натижада қон плазмаси “тўқима омили”ни сақловчи - қон томир девори структуралари билан *in vivo* таъсирланиш ҳолати юзага келади. Натижада сунъий равишда - қон томир деворида фибрин лахтаси ҳосил бўлиш жараёни ишга тушади. 30 дақиқадан сўнг, фибрин лахтасининг катталигига ва ҳолатига қараб, тромбодинамик тест натижалари олинади

Тадқиқотларимизнинг асосий гуруҳидаги жами 51 нафар беморнинг барчасига тромбодинамик тест ўтказилди. Тромбодинамик кўрсаткичларнинг натижалари куйидаги кўрсаткичларга олиб келди:

Тромб шаклланишининг бошланиш кўрсаткичи (Tlag) оддий коагуляцион кўрсаткичларга қараганда организмда гемостаз тизимининг ҳолатини кўрсатади. Асосий гуруҳнинг жами (n=51) беморларининг 19,6%да (n=10) енгил даражадаги қон кетиш ёки қон йўқотиш кўрсаткичларининг камлиги ҳисобига нормал кўрсаткичларни берган, 35,3% (n=18) беморда қон кетиш даражаси ўртача деб баҳоланган, 27,5% (n=14) беморда гемостаз тизими етарлича фаоллашмаганлигини кўрсатди. Қолган 9 нафар (17,6%) бемор организмда кўп миқдорда ва катта тезликда қон йўқотиш ҳисобига тромб шаклланиш кўрсаткичининг бошланиши анча кечиккан.

Тромб шаклланишининг бошланиш тезлиги (V) текширилганда, асосий гуруҳнинг жами (n=51) беморларининг 54,9%да (n=28) нормадаги кўрсаткичлар аниқланган, 33,4% (n=17) беморда биров тезлашган кўрсаткичлар кузатилган бўлса, 6 нафар (11,7%) беморда катта тезликдаги тромб шаклланишининг бошланиши аниқланди. Адабиётлардан маълумки, бу кўрсаткич кўпгина ҳолларда нормани кўрсатиши бу организмдаги компенсатор механизмлар натижасидир, яъни организмда қон кетиш вақтида уни бартараф қилиш учун тромб ҳосил бўлиш тезлигини оширган. Лекин, кам

вақт ичида ва кўп миқдорда қон йўқотилиши бу кўрсаткич кескин кўтарилиши мумкин.

Тромб шаклланишининг ўрта ва стационар тезлиги - бу ҳам қон ивиш тизимининг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, гемостаз жараёни фаоллигини кўрсатади. Асосий гуруҳнинг жами (n=51) беморларининг 33,4%да (n=17) тромб шаклланиш тезлигида нормал кўрсаткичлар бўлган, 41,2% (n=21) беморда тромбнинг ҳосил бўлиш тезлиги пастлиги аниқланган. Қолган 13 нафар беморда кўп миқдорда қон кетиши сабабли тромбларнинг шалланиш ўртача тезлиги жуда пасайиб кетган.

Шаклланган тромб ўлчами - бу қон томир деворида ҳосил бўлган тромбнинг етарлича қопланиши мумкинлигини ўрганади. Асосий гуруҳнинг жами (n=51) беморларининг 43,1%да (n=22) нормадаги кўрсаткичлар аниқланган бўлса, қолган (n=29) беморларда тромбнинг ўлчами етарли даражада шаклланмаганлиги аниқланди. Шулардан 8 нафар (15,7%) беморда шаклланган тромбнинг ўлчами жуда камлиги уларда қайта қон кетиш ҳавфи жуда юқорилигини кўрсатади.

Шаклланган тромбнинг зичлиги - қон ивишда катта аҳамиятга эга. Тадқиқотимиздаги асосий гуруҳнинг жами (n=51) беморларининг 52,9%да (n=27) нормал тромб зичлиги кўрсаткичлари аниқланган бўлса, 35,3%да (n=18) зичлик пастлиги аниқланди. Айниқса, қолган 6 (11,8%) нафар беморларда шаклланган тромбнинг зичлиги жуда паст бўлиб, бундай беморларнинг гемостаз тизимида катта етишмовчиликлар борлигидан далолатдир.



Спонтан тромбларнинг пайдо бўлиши - асосан тромбозга мойил бўлган беморларда кузатилади. Бизнинг кузатувимиздаги беморларда қон кетиш асорати кузатилганлиги сабабли тромбодинамик тестнинг ушбу кўрсаткичида ўзгариш кузатилмади.

Гастродуоденал қон кетишлар билан беморларни динамикада актив кузатиш ва кейинги даволаш ишларини режалаштиришда асос бўлувчи коагулограмма натижаларини таҳлил қилиш учун биз асосий текшириш усулларидан бўлган АЧТВ (ФҚТВ (фаоллашган қисман тромбопластин вақти) - нормал кўрсаткичлари 25,1-36,5 секундга тенг), фибриноген (катта ёшдаги беморларда қонда ўртача 2-4 г/л га тенг), ПТВ ва ПТИ каби кўрсаткичларни олдик. Асосий гуруҳ беморларига юқоридагилардан ташқари тромбодинамик тест натижаларини ҳам киритдик.



Тадқиқотимиздаги барча беморлар турли даражалардаги қон кетиш билан кузатилганлиги сабабли уларда барча қон таҳлиллари гипокоагуляция ҳолатида бўлиб, биз қуйидаги таҳлиларимизда фақат беморларда гипокоагуляция ҳолатининг учраш сони ва фоизи каби кўрсаткичларини келтирдик. Коагулограмма натижалари иккала гуруҳдаги беморларда ҳам деярли бир хил натижа берганлиги сабабли биз асосан асосий гуруҳ беморларининг натижаларини тромбодинамик тест билан солиштирган ҳолда келтириб ўтадим. Дастлаб, мурожаат қилган беморларнинг (n=51) қон таҳлилида илк марта атиги 8 (15,7%) нафарида қонда гипокоагуляция ҳолати кузатилган эди. Барча беморларга стандарт асосида консерватив ва эндоскопик даво чоралари қўлланилди. Барча беморларга динамикада ҳар

куни камида бир маротаба қон таҳлиллари ўтказилди. Лозим бўлган ҳолатларда қайта эндоскопик текшириш ва гемостаз ҳам ўтказилди. Тадқиқотимизнинг 2-кунида ўтказилган эндоскопик гемостаз ва консерватив даво чоралари натижасида беморларда ҳақиқий клиник-коагулограммадаги кўриниш кузатилиб, АЧТВда 33,3% (n=17) беморда, тромбодинамик тестда 31,4% (n=16) ҳолатда гипокоагуляция ҳолати кузатилди (1а-расм). Даво курсининг 3-кунига келиб, АЧТВнинг 27,5% га (n=14) тушганлиги, 4- ва 5-кунларда 29,4 % ва 31,4% (n=16) ҳолатда бўлганлиги аниқланди.

Қонда фибриноген миқдорининг таҳлили ўтказилганда, тадқиқотимизнинг 2-кунида 37,3% (n=19) беморда фибриноген миқдорининг пастлиги ҳолати кузатилди (1-б-расм). Даво курсининг 3-кунига келиб, фибриноген 33,3% (n=17) беморда пасайган бўлса, 4-кунда 27,5% (n=14) ҳолатга тушди, лекин 5-кунга келиб яна 33,3% ҳолатда сақланиб қолганлиги аниқланди.



1-расм. Динамикада беморларда тромбодинамик тестнинг АЧТВ (а) ва фибриноген (б) кўрсаткич натижалари билан солиштирилиши.



2-расм. Динамикада беморларда тромбодинамик тест, АЧТВ, фибриноген ва ПТИ (а) кўрсаткич натижалари.

Қондаги динамикада ПТИ таҳлили ўтказилганда, тадқиқотимизнинг 2-кунида 33,3% (n=17) беморда ПТИ кўрсаткичи нормадан пастлиги ҳолати кузатилди (2а-расм). Даво курсининг 3-кунига келиб, 29,4% (n=15) беморда

ПТИ пасайган бўлса, 4- ва 5-кунларда 31.4% (n=16) ҳолатда сақланиб қолганлиги аниқланди. Тромбодинамик тест натижаларига кўра, даво курсининг 3-кунида кўрсаткичларимиз 29,4% (n=15) ҳолатда сақланган бўлса-да, 4- ва 5- кунларга келиб, 21.6% (n=11) ва 17,6% (n=9) тушди.

1-жадвал.

Динамикада беморларда турли коагулограмма кўрсаткичлари натижалари.


№	Коагулограмма турлари		1-кун	2-кун	3-кун	4-кун	5-кун
1	АЧТВ	%	15.7	33.3	27.5	29.4	31.4
		сон	8	17	14	15	16
2	Фибриноген	%	15.7	37.3	33.3	27.5	33.3
		сон	8	19	17	14	17
3	ПТИ	%	15.7	33.3	29.4	31.4	31.4
		сон	8	17	15	16	16
4	Тромбодинамик тест	%	15.7	31.4	29.4	21.6	17.6
		сон	8	16	15	11	9

Шундай қилиб, 2 б-расмдаги диаграммада ва 1-жадвалда кўриниб турибдики, асосий гуруҳ беморларида ўтказилган тромбодинамик тест таҳлиллари асосида беморларга ўз вақтида бажарилган консерватив ва эндоскопик гемостатик даво муолажалари натижасида гипокоагуляция даражаси 31.4% дан 17.6% га пасайиши кузатилди. Бунинг натижасида беморларда кузатилиши мумкин бўлган қон кетишларнинг қайталанишини ўз вақтида олдини олишга эришилди.

Диссертациянинг **тўртинчи боби “Гастродуоденал яралардан бирламчи ва рецидив қон кетишни даволашда турли эндоскопик гемостаз усулларининг самарадорлигин баҳолаш”** деб номланган. Беморларнинг стационарга мурожаатлари вақтидан бошлаб, уларга стандарт асосида текшириш ва даволаш усуллари олиб борилди. РШТЎИМ Самарқанд филиали қабул бўлимида беморга барча лозим бўлган лаборатор (Қон умумий ва биокимёвий таҳлиллари, сийдик умумий таҳлили, коагулограмма текширувлари, гепатит В ва С, ОИТСга таҳлилар ва б.) ва инструментал текширишлар (ЭКГ, кўкрак қафаси рентгеноскопияси, қорин бўшлиғи аъзолари УТТ, ЭГДС ва б.) ҳамда мутахассислар (хирург, гастроэнтеролог, лозим бўлганда, эндокринолог, невролог, реаниматолог, аёлларга гинеколог ва бошқа мутахассислар) кўриги ўтказилди.

Тадқиқотимиздаги барча беморларга илк келган вақтида эндоскопик текширишлар ўтказилган бўлиб, Шулардан, F-IA - жами беморларнинг 6 (4.8%) нафарида (асосий гуруҳда 2 (3.9%) ва таққослаш гуруҳида 4 (5.5%) нафарида) ва 24 (19.4%) нафарида F-IB ҳолатлари (асосий гуруҳда 9 (17.6%) ва таққослаш гуруҳида 15 (20,5%) нафарида) кузатилган. Беморларнинг 31 (25%) нафарида F-IIA (асосий гуруҳда 13 (25.5%) ва таққослаш гуруҳида 18 (24,6%) нафарида), яъни яранинг тубида тромбланган қон-томирларнинг кўриниши ҳамда 47 (37,9%) нафарида нафарида F-IIВ - яранинг туби енгил кўчувчи тромб билан қопланганлик ҳолати (асосий гуруҳда 20 (39,2%) ва


таққослаш гуруҳида 27 (37%) нафарида) кузатилган. Қолган беморларда (n=16 (12,9%)) гастродуоденал яралардан қон кетиш ҳолати вақтинча ёки батамом тўхтаганлиги (Forrest IIС ёки III даражали) аниқланди. Улардан 7 (13,7%) нафари асосий гуруҳда ва 9 (12,3%) нафари таққослаш гуруҳида кузатилган (3-расм).



3-расм. Беморларда қон кетишининг даражалари.

Қон кетиш манбалари бўйича текширилганда, меъда ярасидан қон кетиш 44 (35,5%) беморда, ўн икки бармоқ ичак ярасидан 78 (62,9%), гастрോэнтероанастомоз ва меъда чўлтоғидан - 2 (1,6%) беморда кузатилди.

